

БАХРИ ТАВИЛ - «узун бахр» маъносини англатадиган сажъли наерда кўлланиладиган ўлчов номи. Бахри тавилда ёзилган насрий асарларда амалдаги рукн ёки унинг тармоклари иштирок этиб, асарни ўзига хос мусикий оханг билан таъминлайди. Насрий матннинг кўламдорлиги рукнлар сонининг ҳам кўп бўлишини такозо килади. Комил Хоразмий каламига мансуб сажъли насрдан олинган тубандаги парча бахри тавилга яккол мисол бўла олади. «Сокиё, тут манга бир жом тўла бодай гулфомки, айлаб они шом, бўлиб мает мудом, айлайн ахволими эълумки, ман хастаи нокомга бир сарви гуландом, ики наргиси бодом гами ишки тушуб субх била шом, ани васли хаёлида уруб гом, не мандин етируб бир киши бир катла паём анга, не ондин манга пайгом, ўтуб хасрати олом била бир неча айём, баногох ул кабки хиром учраса, кўргач они колмай дилу жонимда даме сабр ила ором, бера олмайин ул дамда салому ўтуб мохи тамом, кўзи гораткари ислом, неча нозу карашма била саллонаву мастона хиром айлар эрди. Мен колибон, фуркатидин жонима ўтлар солибон, ул борибон, акл ила хушим олибонки, яна козига бокиб, лутф ила кошени кокиб шавки мухаббат ўтига жисму низоримни ёкиб, хар сори кўз ёшим окиб, хажрида кун-тун улокиб, билкулл ўлур эрдим анга волаву шайдо...» Ушбу парчага диққат қаратсак, асар рамали махбун вазни асосида ёзилгани, уни оханг бўлакларига ажратсак, улар сони 73 та бўлиб, фоилотун (солим) ва фаилотун (махбун)лардан ташкил топганлиги маълум бўлади. Бу хил ўлчов туйфули насрий асар мусикий оханг, жозоба ва таъсирчанлик касб этади. Ижодкор ифодаляётган гоё, лирик қахрамон туйгуларини ўқувчи теран англаб етишига имкон тугилади. Кўриниб турганидек, бахри тавилда ижод қилиш осон машгулот эмас. Шунинг учун айрим ижодкорларгина унга мурожаат қиладилар.